ВАТАН УЧУН, МИЛЛАТ УЧУН, ХАЛҚ УЧУН!

O‘ZLIDEP

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chop etila boshlagan

17-sentyabr
2026-yil
37 (1 191)

21asr.uz XXIasr_yangiliklari XXIASR XXI_asr@mail.ru xxiasrgazetasi XXIasrgazetasi

Шавкат Мирзиёев

Биз учун ёш авлод илғор билимлар, кўникмалар ва халқаро тажрибадан фойдаланиш имконига эга бўлиб, келгусида замонавий технологик иқтисодиётнинг бир қисмига айланиши жуда муҳим.

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН – КОРЕЯ:

ИШОНЧ ТАРАҚҚИЁТГА ЕТАКЛАЙДИ



Дунёда иқтисодий рақобат кучайиб, технология ва инновациялар тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланаётган бир пайтда ишончли шериклар билан узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистоннинг Корея Республикаси билан муносабатлари ҳам ана шундай стратегик манфаатларга таянадиган шерикликдир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга олиб чиқиш, мавжуд алоқаларни чуқурлаштириш ва истиқболдаги ҳамкорлик йўналишларини белгилаш нуқтаи назаридан муҳим воқеадир. Бугун Ўзбекистон ва Корея муносабатларида сиёсий мулоқот иқтисодий ҳамкорлик, иқтисодий алоқалар эса технология ва билим алмашинуви билан тобора чамбарчас боғланмоқда. Президентлар даражасидаги мунтазам мулоқотлар эришилган келишувларни янги ташаббус ва амалий лойиҳалар билан тўлдириш имконини бермоқда.

Давлат раҳбарлари ўртасидаги мулоқот қанчалик муҳим бўлмасин, узоқ муддатли шериклик унинг институционал асослари мустаҳкам бўлгандагина барқарор тус олади. Бу ерда парламент дипломатиясининг ҳам ўрни алоҳида. Ўзбекистон ва Корея парламентлари ўртасидаги тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтириш, қўмита ва депутатлик гуруҳлари даражасида тажриба алмашиш, қонун ижодкорлиги соҳасида ҳамкорлик қилиш икки томонлама муносабатларнинг янги йўналишларини очиши мумкин.

Айниқса, Кореянинг рақамли бошқарув, инновацион иқтисодиёт, замонавий технологиялар ва кадрлар салоҳиятини ривожлантириш борасидаги бой тажрибалари Ўзбекистон учун муҳим манба бўла олади. Бу ҳаётий тажрибаларни ўрганиш билан бирга, уни миллий шароит ва эҳтиёжларга мослаштириш ҳам муҳим.

Стратегик шерикликнинг ҳақиқий қиймати унинг қандай натижа бераётганида намоён бўлади. Янги инвестицияларни жалб этиш, юқори технологияли ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қўшма корхоналар ташкил этиш, янги иш ўринлари яратиш – бу ҳамкорликнинг одамлар ҳаётига бевосита таъсир қиладиган жиҳатларидир. Шу билан бирга, таълим ва кадрлар тайёрлаш масаласи ҳам кун тартибидаги муҳим йўналиш бўлиб қолмоқда. Чунки замонавий технологияни олиб келишнинг ўзи етарли эмас. Уни самарали ишлата оладиган, янгилик яратадиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарадиган кадрлар ҳам керак.


Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги ўрни ва очиқ иқтисодий сиёсати Корея компаниялари учун янги имкониятларни шакллантираётган бўлса, Кореянинг технология ва иннова-ция соҳасидаги салоҳияти мамлакатимизнинг иқтисодий модернизация жараёнларини қўллаб-қувватлашини ҳисобга олсак, бу ҳамкорлик икки томон учун ҳам аниқ манфаатларга эга.

Эришилган келишувларни амалий натижага айлантириш энди асосий вазифага айланади. Бунинг учун давлат идоралари билан бир қаторда парламентлар, хусусий сектор, илмий-таълим муассасалари ва жамоатчилик институтлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш айни муддао. Чунки замонавий халқаро муносабатларда стратегик шерикликнинг мазмуни фақат расмий учрашув ва ҳужжатлар билан белгиланмайди. Унинг самараси одамлар учун яратилган янги имкониятлар, бизнес учун очилган янги бозорлар, ёшлар учун сифатли таълим ҳамда мутахассислар учун янги билим ва тажриба майдонлари орқали намоён бўлади.

Ўзбекистон – Корея муносабатлари бугун ана шундай амалий мазмун билан бойиб бормоқда. Энди муҳим жиҳат – мавжуд ишончни янги лойиҳаларга, келишувларни аниқ натижаларга, имкониятларни эса халқ фаровонлигига айлантиришдир. Зеро, мустаҳкам шерикликнинг энг катта мезони — унинг келажак учун қандай имконият яратишидир.

Маъруфжон РАҲМОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

БУГУНГИ СОНДА



Миллий тараққиётнинг янги ўн йиллиги

2



Абдулло Аслонов: Ишончни оқлашдан ортиқроқ бахт ҳам, бойлик ҳам йўқ!

3

Халқ мурожаати амалий ечим билан ўлчанади



4


Акмал АЛЛАКУЛИЕВ: Орзулар мақсадга айланаётган юртда яшаяпмиз

5

ХАЛҚ БИЛАН БИРГА

Ишчи гуруҳ Оролбўйида

O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Актам Хаитов бошчилигидаги ишчи гуруҳ шу кунларда Қорақалпоғистон Республикасида ўрганишлар олиб бормоқда.



O‘zLiDeP раиси Актам Хаитов кегейлилик фермерлар билан мулоқотда

Оролбўйидаги бир қатор туман ва шаҳар, овулларда “Халқ билан бирга” умуммиллий дастури доирасида камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, ҳудудларда қулай агробизнес муҳитини шакллантириш ва бошқа ҳаётий масалаларга оид тадбирлар изчил давом этмоқда.

Нукус туманидаги Дийкан арна маҳалласида тўрт ярим мингдан кўпроқ аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуддаги 34 та тадбиркорлик субъекти савдо, хизмат кўрсатиш, тикувчилик, мебел ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан машғул. Юзма-юз мулоқотда ушбу ҳудудда “Аёллар дафтари”га киритилган 107 нафар хотин-қиз, 49 нафар ёлғиз кекса ва 86 нафар ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда даромад манбаларини кенгайтириш хусусида сўз борди.

Халқ депутатлари Нукус шаҳар кенгаши депутати, “Nukus kommunal servis” МЧЖ раҳбари Бисенгали Утениязов Дийкан арна ва Жас аўлад маҳаллаларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди. Кейин эса...

***

Ишчи гуруҳнинг бошқа ҳудудлардаги ўрганишлари ва аҳолининг барча қатламлари билан ўтказаётган мулоқотлари тафсилоти ҳақида газетамизнинг келгуси сонида атрофлича сўз юритамиз.

O‘zLiDeP матбуот хизмати

Она тилим, сен борсан, шаксиз...



6

ТАҲЛИЛ ВА ТАЛҚИН

Миллий тараққиётнинг янги ўн йиллиги

Ўттиз беш йил – тарих учун бир лаҳза, инсон умри учун эса салмоқли муддат. Бу йиллар Ўзбекистон учун ўз давлатчилигини мустаҳкамлаш, иқтисодий пойдеворини яратиш ва жамият ҳаётини янгилаш учун ўзига хос синов даври бўлди. Энди эса олдимизда бошқа бир жиддий савол турибди: хўш, эришилган натижаларни қандай қилиб барқарор ва сифатли тараққиётга айлантирамиз?

Кузатган бўлсангиз, Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз беш йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида илгари сурилган еттита миллий дастурда айнан ана шу саволга муфассал жавоблар бор. Улар алоҳида-алоҳида вазифалар эмас, балки инсон ва мамлакат тараққиётини бир бутун тизим сифатида кўришга ундайди.

Ўттиз беш йилда Ўзбекистон давлатчилик асосларини мустаҳкамлади, миллий иқтисодиётни шакллантирди ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширди. Кейинги йилларда иқтисодиётни либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестиция муҳитини яхшилаш, таълим ва тиббиётни модернизация қилиш, камбағалликни қисқартириш ҳамда маҳалланинг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Энг муҳим ўзгариш эса тараққиётга бўлган ёндашувда намоён бўлди: инсон, унинг қадр-қиммати, ҳуқуқ ва манфаатлари давлат сиёсатининг марказига чиқди. Эндиги вазифа – иқтисодий ўсишни янги сифат даражасига кўтариш, билим ва технологияни тараққиётнинг асосий кучига айлантириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва мамлакатнинг халқаро майдондаги ўрнини янада кучайтириш. Бугун дунёда мамлакатнинг рақобатбардошлиги фақат ер ости бойликлари ёки ишлаб чиқариш ҳажми билан белгиланмайди. Асосий устунлик – билимли, соғлом, ташаббускор ва замонавий касбларни эгаллаган инсонлар.

Ўзбекистоннинг энг катта имкониятларидан бири – ёш аҳоли. Аммо демографик салоҳиятнинг ўзи иқтисодий устунликни таъминламайди. Бунинг учун ҳар бир ёш сифатли таълим олиши, замонавий касб эгаллаши, рақамли кўникмаларни ўзлаштириши ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун зарур шароит яратилиши керак. Шу нуқтаи назардан, мактабгача таълимдан бошлаб мактаб, касб-ҳунар таълими, олий таълим, илм-фан ва инновациягача бўлган тизимни ягона занжир сифатида ишлатиш муҳим. Меҳнат бозори ҳам ўзгариб бормоқда. Сунъий интеллект, дастурий таъминот, маълумотлар таҳлили, киберхавфсизлик, автоматлаштириш, биотехнология ва “яшил” энергетика каби йўналишларда янги касблар пайдо бўляпти. Айни пайтда муҳандис, электрик, механик, технолог, қурувчи, агроном каби малакали мутахассисларга эҳтиёж ҳам юқори.

Демак, замонавий таълимнинг вазифаси фақат диплом бериш эмас. У инсонга муносиб даромад топиш, ўзгариб бораётган меҳнат бозорига мослашиш ва касбий салоҳиятини мунтазам ошириб бориш имконини бериши лозим. Олий таълим муассасалари ҳам бу жараёнда янги вазифани зиммасига олиши керак. Университет фақат билим берувчи даргоҳ эмас, илм-фан, инновация ва тадбиркорлик марказига айланиши зарур. Дунё рейтингига киришнинг ўзигина етарли бўлмайди, аксинча, жаҳон даражасидаги тадқиқотлар, халқаро ҳамкорлик ва иқтисодиёт учун зарур технологияларни яратиш муҳимроқ.

Соғлом инсон – кучли жамият

Инсон салоҳиятининг яна бир муҳим шарти – саломатлик. Тиббиёт муассасалари тармоғи кенгайди, хусусий тиббиёт ривожланди, замонавий ташхис ва даволаш усуллари амалиётга кириб келди. Энди асосий эътиборни касалликни даволашдан унинг олдини олишга янада қатъий буриш зарур. Соғлом овқатланиш, жисмоний фаоллик, профилактика, эрта ташхис ва тиббий маданият кундалик ҳаёт меъёрига айланиши керак.

Тиббий суғурта механизмларини ривожлантириш, рақамли тиббиётни кенгайтириш, хизмат сифатини ошириш ва замонавий технологияларни ўзлаштириш ҳам шу мақсадга хизмат қилади. Шу билан бирга, фармацевтика, биотехнология, тиббий техника ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш соғлиқни сақлаш соҳасини келажак иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бирига айлантириши мумкин.

Миқдор эмас, сифат муҳим

Келгуси ўн йилликнинг муҳим вазифаларидан бири иқтисодиётни янги сифат босқичига олиб чиқишдан иборат. Юқори ўсиш суръатлари муҳим, аммо энди унинг ўзи етарли эмас. Асосий жиҳат ҳар бир ишлаб чиқариш қуввати қанча қиймат яратаётгани, корхона қанча экспорт қилаётгани ва янги технология меҳнат унумдорлигини қай даражада ошираётганида.

Инвестиция сиёсатида ҳам сифат мезони биринчи ўринга чиқиши керак. Мамлакатга кириб келаётган сармоя янги технология, замонавий иш ўринлари, экспорт имкониятлари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан кооперацияни таъминласа, унинг иқтисодий самараси янада юқори бўлади. Бу жараёнда кичик ва ўрта бизнеснинг ўрни алоҳида. Кичик корхонанинг ўрта бизнесга, ундан йирик компанияга айланиши учун молиялаштириш, инвестиция, суғурта, экспорт, инновация ва консалтинг хизматларини қамраб олган яхлит тизим зарур. Ёшлар тадбиркорлиги ва технологик стартапларни қўллаб-қувватлаш эса келажак иқтисодиёти учун муҳим омилдир.

Сунъий интеллект ва рақамли технологиялар иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларига кириб бормоқда. Ўзбекистоннинг вазифаси уларни фақат истеъмол қилиш билан чекланиб қолмасдан, ўз технологияларини яратадиган мамлакатга айланишдир. Бунинг учун мактаб – университет – илмий лаборатория – стартап – инвестиция – технологик компания – жаҳон бозори занжири амалда ишлаши лозим.

Битта занжир

Яна бир муҳим жиҳат шуки, Ўзбекистоннинг келажак тараққиётини сув ресурсларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш, ирригация тизимини модернизация қилиш, йўқотишларни камайтириш ва рақамли ҳисобга ўтиш стратегик вазифадир.

Сувни тежаш фақат экологик масала эмас. Бу энергия сарфини камайтиради, ишлаб чиқариш таннархини пасайтиради ва қишлоқ хўжалигининг рақобатбардошлигини оширади.

“Яшил макон” ташаббусини изчил давом эттириш, шаҳар ва туманларни кўкаламзорлаштириш, аҳоли учун қулай ва соғлом муҳит яратиш ҳам долзарб вазифалардан. Иқлим ўзгариши, ҳароратнинг кўтарилиши ва қурғоқчилик хавфининг кучайиши табиатга муносабатни ҳам ўзгартиришни талаб қилмоқда. Шу боис “яшил” иқтисодиёт Ўзбекистон учун нафақат экологик, балки узоқ муддатли иқтисодий сиёсат масаласидир.

Адолат ва қонун – тараққиёт пойдевори

Иқтисодий ўсишнинг яна бир шарти – ишонч. Тадбиркор ўз мулки ҳимояланганига, инвестор қонун барча учун бир хил ишлашига, фуқаро эса ўз ҳуқуқини ҳимоя қила олишига ишонсагина, ташаббус ва фаоллик кучаяди. Шунинг учун суд мустақиллиги, қонун устуворлиги, ҳуқуқий маданият ва одил судловдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тараққиётнинг муҳим шартларидан бўлиб қолади. Ҳуқуқий ислоҳотнинг ҳақиқий натижаси қонун ҳужжатлари сони билан эмас, инсон ҳаётидаги ўзгариш билан ўлчанади. Фуқаро ўз ҳуқуқини билиши, зарур пайтда қаерга мурожаат қилишни англаши ва сифатли ҳуқуқий ёрдам олиши керак.

Рақамли иқтисодиёт кенгайгани сари киберхавфсизликнинг аҳамияти ҳам ортади. Янги турдаги жиноятларга қарши кураш, яширин иқтисодиётни қисқартириш ва қонуний бизнес учун қулай муҳит яратиш бир-бирини тўлдирувчи вазифалардир.

Тинчлик ва фаровонлик қўрғони

Ислоҳотларнинг ҳақиқий самараси инсон яшайдиган муҳитда кўринади. Оилада ҳамма иш билан таъминланганми? Ёшлар касб эгаллаганми? Боланинг таълими қандай? Йўл, сув, электр ва тиббий хизмат қай даражада? Бу саволларга энг аниқ жавобни маҳалладан олиш мумкин. Шу боис маҳаллани жамоат тараққиётининг асосий буюртмачисига айлантириш бошқарувни инсонга яқинлаштиради. Бюджет ва инфратузилма лойиҳалари аҳолининг реал эҳтиёжидан келиб чиқса, маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳам ошади.

Ваколат билан бирга масъулият ҳам ортади. Келажак маҳалласи фақат обод ҳудуд эмас, балки тадбиркорликни қўллаб-қувватлайдиган, ёшларга касб топишда кўмаклашадиган ва ижтимоий муаммоларни аҳоли билан биргаликда ҳал қиладиган фаол жамоа бўлиши зарур.

Энг ишончли кафолат

Ўзбекистон келажагини ички ислоҳотлар билан бир қаторда ташқи муҳит ҳам белгилайди. Турли миллат ва элат, диний конфессия вакилларининг тинч-тотув яшаши мамлакатнинг катта ижтимоий бойлигидир. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик жамият барқарорлигининг муҳим асоси бўлиб қолади.

Кейинги йилларда Марказий Осиёда яхши қўшничилик муносабатларининг мустаҳкамланиши иқтисодий тараққиёт учун ҳам янги имкониятлар очмоқда. Транспорт йўлаклари, савдо, энергетика, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш ва минтақавий иқтисодий ҳамкорлик Ўзбекистоннинг салоҳиятини оширади. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлидаги ишлар ҳам мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувини кучайтиради. Глобал бозорга очилиш рақобатни оширади ва миллий ишлаб чиқарувчини сифат ҳамда самарадорликни юксалтиришга ундайди. Демак, ташқи очиқлик ички модернизациянинг ҳам муҳим омилига айланади.

Тинчлик ва барқарорлик бўлмаса, инвестиция, туризм, таълим ва технологияларни тўлиқ ривожлантириш қийин. Шу маънода тинчлик – тараққиётнинг энг ишончли кафолатидир.

Янги Ўзбекистоннинг бош мезони

Етти миллий дастурнинг мазмунига яхлит назар ташласак, уларнинг барчаси бир мақсад – инсон учун муносиб ҳаёт шароитини яратишга бориб тақалади. Билимли инсон кучли иқтисодиётни яратади. Соғлом инсон фаол жамиятнинг асосини ташкил этади. Адолатли қонун ишончни мустаҳкамлайди. Тежамкор иқтисодиёт табиий ресурсларни асрайди. Маҳалла давлат ва жамият ўртасидаги энг яқин кўприкка айланади. Тинчлик ва очиқлик эса мамлакатнинг халқаро имкониятларини кенгайтиради.



Дурбек АҲМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Шунинг учун келгуси ўн йилликда асосий мезон миқдорий кўрсаткичлардан сифатли натижаларга ўтиш бўлиши керак. Янги мактаб қуришнинг ўзи эмас, таълим сифати ошиши муҳим. Янги шифохона очишнинг ўзи эмас, беморнинг сифатли даволаниши муҳим. Инвестиция жалб қилишнинг ўзи эмас, унинг технология ва муносиб иш ўрни яратиши муҳим. Қонун қабул қилишнинг ўзи эмас, инсон унинг ҳимоясини амалда ҳис қилиши муҳим.

Ана шу мезонлар ислоҳотларнинг қоғоздагидан фарқли ўлароқ, ҳаётдаги натижасини белгилайди.

Келажак бугундан бошланади

Дунё жадал ўзгармоқда. Технологик инқилоб, сунъий интеллект, иқлим ўзгариши, сув ва энергия ресурсларига эҳтиёж ортиши, инвестициялар учун кучайиб бораётган рақобат ҳар бир мамлакат олдига янги вазифалар қўймоқда. Бундай шароитда Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги – инсон салоҳияти. Мамлакатнинг асосий капитали – билим. Иқтисодиётнинг ҳаракатлантирувчи кучи – хусусий сектор ва инновация. Ижтимоий таянчи – адолат. Экологик мезони – сув ва табиатга масъулиятли муносабат. Жамоат ҳаётининг муҳим бўғини – маҳалла. Халқаро тараққиёт учун эса тинчлик, яхши қўшничилик ва очиқлик зарур.

Бироқ бу мақсадларнинг барчаси алалоқибат инсоннинг кундалик меҳнатида намоён бўлади. Касб эгаллаган ёш, замонавий билим бераётган ўқитувчи, инсон ҳаётини асраётган шифокор, янги иш ўрни яратаётган тадбиркор, сувни тежаётган фермер, янги технология устида ишлаётган олим, маҳалласи ободлиги ва тинчлигига ҳисса қўшаётган фуқаро – тараққиётнинг бевосита иштирокчисидир. Шу маънода миллий тараққиётнинг янги ўн йиллиги фақат давлатнинг эмас, бутун жамиятнинг умумий вазифаси ҳисобланади.

Мустақилликнинг 35 йиллиги бизга ўтган йўлни қадрлаш билан бирга, келажак олдидаги масъулиятимизни ҳам эслатади. Бугун Ўзбекистон тарихининг янги саҳифаси ёзилмоқда. Бу саҳифа фақат давлат қарорларида эмас, олий ўқув юртлари ва мактабларда, илмий лаборатория ва замонавий корхоналарда, фермер далалари ва тиббиёт муассасаларида, энг муҳими, ҳар бир маҳаллада яратилмоқда.

Унинг бош ғояси эса содда ва аниқ: билимли инсон – соғлом оила – кучли иқтисодиёт – адолатли давлат – яшил мамлакат – тараққий этган маҳалла – тинч ва нуфузли Ўзбекистон. Зеро, мамлакат келажаги эртага эмас, бугун, инсоннинг билими, меҳнати, ташаббуси ва масъулияти билан яратилади.

O‘zLiDeP ТАШАББУСИ

Кичик транспортга катта имконият яратайлик

Велосипед, электросамокат, электровелосипед ва бошқа микромобил воситалари дунё мамлакатларида кундалик ҳаракатланишнинг муҳим турига айланяпти. Улар қисқа масофаларни тез ва кам харажат сарфлаб босиб ўтиш, тирбандлик ва атроф-муҳитга чиқариладиган зарарли унсурларни қисқартириш имконини беради. Қолаверса, улардан фойдаланиш одамларнинг жисмоний фаоллигини ошириб, шаҳар муҳитини қулайроқ қилади.

Аммо микромобиллик ривожланиши учун велосипед ёки самокат харидининг ўзи кифоя қилмайди. Хавфсиз велойўлаклар, ҳаракат қоидалари, ижара ва қувватлаш тизимлари баробарида транспорт воситаларини сақлаш учун қулай жой ҳам зарур. Йўқса, ҳатто яхши йўлаклар ҳам одамларни микромобилликдан фойдаланишга рағбатлантира олмайди. Масалан, Парижда 2025 йил якунига келиб жамоат жойларида велосипедлар учун тураргоҳлар сони 136,5 мингтага етган. Нидерландияда эса турар жой биноларида ҳар бир хонадон учун камида иккитадан велосипед сақлаш жойини барпо этиш талаби бор.

Мамлакатимизда микромобилликнинг оммалашмаётганига зарур инфратузилма, жумладан, махсус йўлаклар тармоғи етарли даражада шаклланмагани, хавфсизлик масалалари, аҳолининг транспорт маданияти ва ҳуқуқий тартиб-таомиллар бу йўналишда мукаммал эмаслиги каби омиллар таъсир қиляпти. Хусусан, махсус тураргоҳларнинг етишмаслиги ҳам муаммонинг асосий сабабларидан бири. Автомобиллар учун тураргоҳлар қуриш шаҳарсозлик жараёнининг ажралмас қисми сифатида қаралаётган бир пайтда енгил транспорт воситаларини сақлаш жойларини лойиҳалаш ҳам мажбурий талабга айланиши лозим.

Биз шу мақсадда қонунчиликка қуйидаги айрим ўзгартишлар киритишни таклиф этамиз:

шаҳарсозлик ва қурилиш қоидаларида янги турар жой, савдо-сотиқ, таълим, тиббиёт ва ижтимоий объектларни лойиҳалашда велосипед ва бошқа микромобиллик воситалари учун минимал ҳажмда жой ажратиш талабини белгилаш;

тегишли норматив ҳужжатларда автомобиль жойларининг муайян қисмини велосипед, электросамокат каби транспорт воситалари учун мослаштириш қоидасини жорий этиш;



мавжуд объектларда бу каби талабларни босқичма-босқич амалга ошириш, янги қурилаётган объектларда эса лойиҳа ҳужжатлари тайёрланишининг дастлабки босқичиданоқ юқоридаги талаб ва эҳтиёжларни назарда тутиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигига оид ҳужжатларда “микромобиллик инфратузилмаси” тушунчасини белгилаш, яъни йирик двигателларга эга бўлмаган транспорт воситалари тураргоҳлари, қувватлаш нуқталари ва бошқа инфратузилмани киритиш;

маҳаллий ҳокимликлар зиммасига аҳоли гавжум ҳудудлар, метро ва жамоат транспорти бекатлари, бозорлар, парклар ва ижтимоий объектларда микромобиллик жойларини ташкил этиш бўйича вазифалар юклаш ҳамда тегишли харажатларни давлат бюджети, “Ташаббусли бюджет”, хусусий инвестициялар ва давлат-хусусий шериклик механизмлари орқали молиялаштириш лозим.

Ушбу ташаббус партиямизнинг 2024 йилги сайловолди дастурида белгиланган экологик тоза транспорт учун зарур инфратузилмани ривожлантириш, барча ҳудудларда, аввало, Тошкент шаҳрида атмосфера ҳавосини яхшилаш, аҳолига қулай атроф-муҳит шароитларини яратиш мақсадларидан келиб чиқиб илгари сурилаётганини таъкидлаймиз.

Мазкур таклифларимиз амалга ошадиган бўлса, ўйлаймизки, дунё тажрибасида кузатилаётган микромобиллик кам учрайдиган ҳолатдан транспорт тизимининг тўлақонли қисмига айланади. Бу эса фуқаролар учун арзон ва қулай ҳаракатланиш имкониятларини кенгайтиради, тадбиркорлар учун эса янги хизматлар бозорини яратади ва тирбандлик, экологик хавф ҳамда автомобиль инфратузилмасини янада кенгайтириш каби муаммоларни бартараф этади.

Беҳзод ИСРОИЛОВ,
O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси Стратегик ва дастурий ҳужжатлар билан ишлаш департаменти ходими

Абдулло АСЛОНОВ:

ИШОНЧНИ ОҚЛАШДАН ОРТИҚРОҚ БАХТ ҲАМ, БОЙЛИК ҲАМ ЙЎҚ!



Суҳбатдош ҳақида маълумотнома:

Абдулло Аслонов – 1984 йилда Самарқанд вилоятида туғилган. Самарқанд давлат чет тиллар институти, Буюк Британиянинг Regent London ва Marlborough College каби таълим муассасаларида таҳсил олган. Рус, инглиз ва француз тилларини мукаммал билади. Фаолияти давомида ёшлар ташкилотлари тизимида масъул лавозимларда, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси раиси, Туризм ва спорт ҳамда Спортни ривожлантириш вазирликларида вазир ўринбосари, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси ўринбосари лавозимларида ишлаган.

Ҳозирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари, 34-Самарқанд вилояти сайлов округи (Самарқанд ва Тойлоқ туманлари)дан сайланган депутат, O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг депутатлик бирлашмалари билан ишлаш бўйича ўринбосари, оилали, тўрт фарзанднинг отаси.

– Абдулло Убайдуллоевич, ҳар бир инсоннинг бугунги қиёфаси ва муваффақияти замирида болаликдаги орзу-ҳавас, оилада олган тарбияси ва ўша даврда шаклланган қарашлари туради. Қадим Самарқандда кечган болалик йилларингизга назар ташласангиз, ўша пайтларда келажакда сиёсатчи бўлиш, эл-юрт хизматида туриш ёки депутатликка қадам қўйиш ҳақида ҳеч ўйлаганмидингиз?

– Менимча, болаликда инсоннинг эртага ким бўлишидан кўра, қандай инсон бўлиб шаклланиши муҳимроқ. Чунки касб ёки лавозим кейинчалик танланиши мумкин, аммо оилада сингдирилган қадриятлар, одамларга муносабат, меҳнатга қараш ва масъулият ҳисси инсон билан бирга умр бўйи яшайди.

Самарқанднинг ўзи – катта бир мактаб. Бу заминда буюк алломалар, давлат арбоблари, илм-фан ва маданият намояндалари яшаб, ижод қилган. Бундай муҳитда улғайган инсоннинг дунёқарашига тарих, маърифат ва Ватан тушунчалари таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Ростини айтсам, болалигимда “келажакда сиёсатчи бўламан” ёки “депутат бўламан” деган аниқ режа бўлмаган. Аммо одамларга ёрдам бериш, жамоат ишларида фаол бўлиш, атрофдаги воқеаларга бефарқ қарамаслик каби интилишлар кучли эди. Кейинчалик таълим, меҳнат фаолияти, турли жамоат ташкилотларидаги ишлар ва давлат бошқарувидаги тажриба ана шу интилишларни муайян йўналишга солди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, айниқса, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни кучайтириш, инсон манфаатини устувор қўйиш ва халққа яқин бошқарув тизимини шакллантириш жараёнлари менинг қарашларимга катта таъсир кўрсатди.

– Сиз Англиядаги нуфузли таълим муассасаларида таҳсил олгансиз. Хориждa яшаб юрган йилларингизда “Қани энди, бу тизимнинг айрим жиҳатлари бизда ҳам бўлса” деган ва кейинчалик Ўзбекистондаги фаолиятингизда қўллашга ҳаракат қилган ғоялар бўлганми?

– Чет элда кечган йилларим менга нафақат билим, балки инсон, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларга бошқача назар билан қараш имконини берди. Энг муҳим хулосам шу: тараққиётни фақат яхши қонунлар ёки яхши қарорлар эмас, балки шу қонун ва қарорларни амалга ошира оладиган фаол ва масъулиятли инсонлар таъминлайди.

Бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим жиҳати ҳам шундаки, улар фақат тизимларни янгилаш билан чекланиб қолмаяпти. Инсон қадри, таълим сифати, ёшларга имконият яратиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, давлат хизматларини аҳолига янада яқинлаштириш каби йўналишлар тобора кенг қамров касб этмоқда.

Хорижий тажрибадан ниманидир олиб келиб, уни шунчаки кўчириш тўғри эмас. Ҳар бир давлатнинг тарихи, менталитети, қадриятлари ва ижтимоий эҳтиёжлари бор. Лекин шахсий масъулият, ёшларни жамоат ҳаётига жалб қилиш, фикрлар хилма-хиллиги ва инсон капиталига инвестиция киритиш каби ёндашувлар универсал аҳамиятга эга.

Менимча, бизга хориж тажрибасининг шакли эмас, унинг мазмуни керак. Уни эса ўз миллий тажрибамиз, халқимизнинг эҳтиёжлари ва бугунги ислоҳотлар руҳи билан уйғунлаштирсаккина муваффақиятларга эришамиз.

– Сиз “Камолот” ЁИҲ ва кейинчалик Ёшлар иттифоқи тизимида анча самарали фаолият юритдингиз. Шунингдек, Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссиясига ҳам раҳбарлик қилгансиз. Бугун O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши ва партиянинг “Ёшлар қаноти” орқали ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш борасида нималарга кўпроқ устувор аҳамият бериш керак деб ўйлайсиз?

– Ёшлар билан ишлашда йиллар давомида бир ҳақиқатга ишончим ортди: навқирон авлод тақдири ҳақида уларнинг ўзи билан маслаҳатлашмасдан қабул қилинган қарор кўп ҳолларда кутилган натижани бермайди. Чунки бугунги йигит-қизлар кечаги авлод вакиллари эмас-да. Улар ахборотни тез олади, дунёдаги жараёнларни кузатади ва ўз фикрига эга. Бугунги кунда улар нафақат иштирокчи, балки қарор қабул қилиш жараёнининг фаол қатламига айланмоқда.

O‘zLiDePда ҳам ёшларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. “Ёшлар клуби” орқали уларни дебатларга, очиқ мулоқотларга, сиёсий-маърифий лойиҳаларга ва жамоат ишларига кенгроқ жалб қиляпмиз. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида таълим, касб-ҳунар эгаллаш, тадбиркорликни бошлаш, хорижий тиллар ва замонавий технологияларни ўрганиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Бу имкониятларни ёшларга етказиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва натижадор лойиҳаларга айлантириш ҳам сиёсий ташкилотлар олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

Мен айниқса ёшларнинг парламентга яқинлашишини муҳим жараён деб биламан. Улар қонунлар қандай пайдо бўлиши, қай тарзда муҳокама қилиниши ва инсон ҳаётига қандай таъсир қилишини ўз кўзлари билан кўришмоқда ва бевосита ҳис қилишяпти.

– Маҳаллалар уюшмаси раиси ўринбосари сифатидаги фаолиятингиздан сўнг бугун парламентнинг Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари қўмитасида ишлаяпсиз. Маҳалла институти ва нодавлат нотижорат ташкилотларини қонунчилик орқали қўллаб-қувватлаш борасида қандай вазифаларни энг муҳим деб биласиз?

– Маҳалла – Ўзбекистоннинг дунёнинг бошқа ҳудудларида учрамайдиган ўзига хос ва ноёб ижтимоий институти, одамларни бир-бирига боғлайдиган, муаммони энг биринчи сезадиган, аҳолининг кайфияти ва эҳтиёжини давлат идораларидан олдинроқ англайдиган бетакрор манзил. Сўнгги йилларда маҳалла тизимига эътибор кучайиб, уни аҳоли билан давлат ўртасидаги энг яқин ва таъсирчан бўғинга айлантириш бўйича муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда тизимнинг имкониятларини кенгайтириш билан бирга, унга юклатилган масъулият ва ҳисобдорлик ҳам аниқ белгилаб қўйилди.

Маҳаллалар уюшмаси тизимида ишлаган йилларимда буни амалда кўрдим, қоғозда жуда катта ва мураккаб кўринадиган муаммони баъзан маҳалладаги биргина тўғри мулоқот билан ҳал қилиш мумкин. Аксинча, маҳалланинг фикри инобатга олинмаса, юқоридан қабул қилинган энг яхши қарор ҳам кутилган самарани бермаслиги мумкин. Шунинг учун маҳалла фақат ижро вазифаларини бажарувчи тузилма эмас, балки ташаббус, ҳамжиҳатлик ва жамоатчилик фикри шаклланадиган марказ сифатида ривожланмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотларига (ННТ) келсак, улар фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтларидан биридир. Давлат ҳамма масалани ягона ўзи ҳал қилиши шарт эмас. Аксинча, жамиятдаги ташаббускор, билимли ва фаол қатламга имконият бериш орқали кўплаб ижтимоий муаммоларнинг самарали ечимини топиш мумкин. Шу боис ижтимоий буюртма, давлат ва ННТлар ўртасидаги шериклик, жамоатчилик назорати ва фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш механизмлари янада ривожлантирилмоқда.

– Илгари Туризм ва спорт вазири ўринбосари ҳамда Спортни ривожлантириш вазири ўринбосари лавозимларида ишлагансиз. Ижро ҳокимиятидаги ушбу тажрибангиз бугун парламент назоратини амалга оширишда сизга қандай устунлик беради?

– Ижро органида ишлаган инсон парламентга келганда масаланинг иккинчи томонини ҳам теранроқ кўра олади. Вазирликда ишлаган пайтимда қарор қабул қилиш жараёни, ҳудудлардаги ижро механизми, бюджет имкониятлари, кадрлар салоҳияти ва энг муҳими, қабул қилинган қарорни амалда бажариш жараёнини бевосита кузатиш имконига эга бўлганман. Шунинг учун бугун парламентда бирор вазирлик ёки идора фаолиятини танқид қилганда, масалага фақат “Нима учун бажарилмади?” деган нуқтаи назардан эмас, балки “Нима тўсқинлик қиляпти ва уни қандай бартараф этамиз?” деган конструктив ёндашув билан қарашга ҳаракат қиламан.

Парламент назоратининг моҳияти кимнидир жазолаш ёки шунчаки камчилик топишдан иборат эмас. Парламент назорати – муаммони илғаш, масъулни белгилаш, ечим талаб қилиш ва натижани кузатиш механизмидир. Бугун ислоҳотларнинг самараси кўп жиҳатдан қабул қилинган қарорларнинг жойларда қандай амалга оширилаётганига боғлиқ. Шунинг учун парламент назорати аниқ натижа, муддат ва масъулиятга асосланмоқда.

Айниқса, спорт ва туризм соҳаларида рақамлар ортида инсон ва унинг тақдири турганини унутмаслик керак. Спорт инфратузилмаси ҳақида гапирганда, унинг самараси қанча объект қурилгани ва уларга қанча бола жалб этилганида намоён бўлади. Туризмда ҳам асосий кўрсаткич – сайёҳлар оқими ва шу орқали ҳудуд аҳолиси учун янги иш ўринлари ҳамда даромад манбалари яратилганидир.

– Ҳар ойда сайловчилар билан мунтазам учрашяпсиз, муаммоларга биргаликда ечим излаяпсиз. Хўш, жонли ва юзма-юз мулоқотлардан оладиган энг муҳим хулосаларингиз нималардан иборат бўлмоқда?

– Табиийки, бундай учрашувларни мен депутат учун оддий ҳисобот бериш жараёни эмас, балки энг муҳим сиёсий мактаб деб биламан. Одамлар билан юзма-юз суҳбатлашганда қонунлар, қарорлар ва ислоҳотларнинг ҳаётдаги ҳақиқий таъсирини кўрасиз. Қайси масала уларни қийнаяпти, қайси қарор ўз натижасини беряпти, қаерда ҳали ечимини кутаётган муаммолар бор – буларнинг барчасини мулоқотларда теран ҳис қиласиз.

Депутатлик жуда катта масъулият. Бугунги парламент фаолиятида қонун қабул қилиш билан бир қаторда, унинг амалиётда қандай ишлаётганини ўрганишга, ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Парламент ва депутатлик сўровлари, парламент эшитувлари, қонунлар ижросини ўрганиш, давлат органлари раҳбарларининг ахборотларини эшитиш каби назорат шакллари айнан шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Айниқса, ёшлар билан мулоқотлар мен учун алоҳида аҳамиятга эга. Улар таълим, иш ўринлари, тадбиркорлик, спорт, замонавий касблар ва хорижий тилларни ўрганиш бўйича кўплаб таклиф ва ташаббусларни ўртага ташлашмоқда. Шунинг учун сайловчилар билан учрашувдан мен фақат мурожаатлар рўйхатини эмас, балки одамларнинг кайфияти, нимани кутиши ва эртанги кунга бўлган ишончини ҳам олиб қайтаман. Энг муҳими, бу мулоқотлар бизга бир нарсани доимо эслатиб туради: депутатнинг асосий вазифаси халқ билан бирга бўлишдир.

– Эслатилганидек, учта хорижий тилларни билишингиз, шунингдек, халқаро йўналишдаги тажрибангиз парламент дипломатиясида қандай имкониятлар беради? Халқаро тажрибани миллий қонунчиликка татбиқ этишда нималарга эътибор бериш керак?

– Тил билиш – мен учун шунчаки мулоқот воситаси эмас, бу бошқа халқларнинг тафаккури, маданияти ва давлатчилик тажрибасини тўғридан-тўғри англаш имкониятидир. Бугун парламент дипломатиясининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Парламентлар ўртасидаги мулоқот орқали нафақат қонунчилик тажрибаси алмашилади, балки давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ҳам мустаҳкамланади. Ўзбекистоннинг очиқ ва прагматик ташқи сиёсати доирасида бундай мулоқотлар мамлакатимиздаги ислоҳотларни халқаро ҳамжамиятга тушунтириш, илғор тажрибани ўрганиш ва миллий манфаатларимизни илгари суриш учун муҳим майдон бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳар бир давлатнинг ўз тарихи, ҳуқуқий тизими, маданияти ва ижтимоий муҳити бор. Бошқа мамлакатда самара берган норма бизда ҳам худди шу шаклда ишлайди, деб бўлмайди. Биз хориж тажрибасидан тайёр нормани эмас, самарали ечим мантиғини олмоқдамиз. Кейин уни Ўзбекистоннинг миллий манфаатлари, халқимизнинг эҳтиёжлари ва амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмунига мослаштириш орқали чоралар кўряпмиз. Мен учун парламент дипломатияси, аввало, ишонч, очиқ мулоқот ва ўзаро ҳурмат демакдир.

– Сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан жуда тиғиз иш тартибида ишлайсиз. Шу билан бирга, оилага вақт ажратиш, ишдаги чарчоқни енгиш ва руҳий тетикликни сақлашнинг сиз учун энг самарали усули нимада?

– Бу, балки, энг мураккаб саволлардан бири. Чунки иш қанчалик масъулиятли бўлмасин, инсоннинг энг муҳим вазифаларидан бири – оиласи олдидаги бурчини унутмасликдир. Албатта, иш тартибимиз жуда тиғиз. Баъзан режалаштирилган вақт ҳам ўзгариб кетади. Лекин фарзандлар билан мулоқот қилиш, уларнинг фикрини эшитиш, қизиқишлари билан ўртоқлашиш учун албатта имконият топишга ҳаракат қиламан. Оила инсонга ўзининг асл қиёфасини эслатиб туради.

Мутолаа ҳам ҳаётимда муҳим ўрин тутади. Қонунчилик билан шуғулланадиган инсон учун ўқиш фақат касбий зарурат эмас, фикрлашни янгилаб туриш эҳтиёжидир. Янги китоб, янги ғоя ёки бошқача нуқтаи назар инсонни ўз фикрини қайта кўриб чиқишга ундайди.

Чарчоқни енгишда мен учун энг катта куч – қилаётган ишимнинг маъносини ҳис қилишдир. Агар инсон эрталаб нима учун ишга келаётганини, унинг меҳнати кимгадир наф келтираётганини билса, қийинчиликлар ҳам бошқача қабул қилинади. Мен учун оила – меҳр ва куч манбаи.

– Сиёсатда, давлат хизматида ва депутатлик фаолиятида йиллар ўтиб, инсоннинг ҳаётга қараши ҳам ўзгаради. Бугун ортга қараб, ўзингизга “Энг муҳим вазифам нима?” деган саволни берсангиз, қандай жавоб берган бўлардингиз?

– Менимча, инсоннинг ҳаётида ортидан қолдирган эзгу ишлари муҳим. Бугун депутат сифатида мен учун энг асосий вазифа – одамларнинг ишончини оқлаш. Бунинг учун ҳар бир мурожаатни эшитиш, ҳар бир қонуннинг инсон ҳаётига таъсирини ўйлаш ва ўз ваколатим доирасида муаммога ечим топишга ҳаракат қилишдир. Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар халқнинг ҳаётини яхшилаш, инсон қадрини юксалтириш ва давлат бошқарувини янада очиқ, адолатли ҳамда самарали қилишга қаратилган. Бизнинг вазифамиз эса бу жараёнларни қўллаб-қувватлаш билан бирга, уларнинг жойларда қандай амалга оширилаётганини кузатиш, халқнинг таклиф ва эътирозларини қонунчилик жараёнига олиб киришдан иборат.

Депутат халқнинг олдида туриб гапиради, лекин унинг ортида халқнинг ишончи туради. Шунинг учун ҳар бир қарорда, ҳар бир чиқишда ва ҳар бир ташаббусда ана шу ишончни ҳис қиламиз. Агар фаолиятимиз натижасида бирор инсоннинг муаммоси ҳал бўлса, бир ёшга имконият яратилса, бир оиланинг оғири енгиллашса ёки қабул қилинган қонун туфайли кимнингдир ҳуқуқи яхшироқ ҳимоя қилинса, менимча, депутатлик меҳнатининг энг катта натижаси шу.

“XXI asr” мухбири
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА суҳбатлашди.

ДЕПУТАТЛАР ҲУДУДЛАРДА

ХАЛҚ МУРОЖААТИ АМАЛИЙ ЕЧИМ БИЛАН ЎЛЧАНАДИ

Депутатликнинг энг муҳим мезони – одамлар билан яқин мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишларини эшитиш, муаммоларни жойига бориб ўрганиш ва имкон даражасида амалий ечимга ҳисса қўшишдир. Зеро, бу фаолият фақат қонун ижодкорлиги билан чекланиб қолмайди. Унинг мазмун-моҳияти, аввало, халқ билан очиқ мулоқотда бўлиш, сайловчилар ишончини оқлаш ва кўтарилаётган масалаларни тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этишга қаратилган амалий ҳаракатларда намоён бўлади.

Бугун юртимизда инсон қадри, аҳоли манфаатлари ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, чекка ва олис ҳудудларда яшаётган аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг бандлиги ва даромад манбаларини кенгайтириш муҳим вазифалардандир. Бу борада ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, оила фаровонлиги ва келажакка бўлган умид мужассамлигини унутмаслик лозим.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Оролбўйининг энг чекка ҳудудларидан бири бўлган Қўнғирот туманидаги Қорақалпоғистон аҳоли пунктида юзага келган муаммо ҳам ана шундай эътибор ва амалий ёндашув талаб қилган масалалардан бири эди. Нукус шаҳридан 460 км узоқликда жойлашган мазкур ҳудуд аҳолиси учун томорқа ерларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки томорқа – бу шунчаки ер майдони эмас, балки кўплаб хонадонлар учун оилавий даромад, бандлик ва рўзғор баракаси манбаидир. Аммо аҳоли анчадан буён ерларини суғоришда қийналаётган эди.



Аҳоли билан учрашувларда ушбу муаммо кўтарилди. **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Гулжан Халмуратова** сайловчилар билан мулоқот чоғида одамларнинг томорқа ерларни суғориш учун артезиан қудуғи қазиб бериш бўйича мурожаатини диққат билан тинглади. Ҳолатни чуқур ўрганиш мақсадида ҳудудга борди, уни ҳал этиш имкониятлари ва зарур чора-тадбирларни белгилаб олди. Масала Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондининг Қорақалпоғистон бўлими томонидан грант лойиҳасига киритилди ва жорий йилда томорқа ерларини суғориш учун артезиан қудуғи қазиб беришга 200 млн сўм маблағ ажратилиши тасдиқланди. Айни пайтда Қорақалпоғистон маҳалласида томорқалардан самарали фойдаланиши ва бандликни таъминлашга қаратилган лойиҳа амалга оширилмоқда. Хусусан, 36 та хонадон учун 12 та артезиан қудуғи қазилиб, замонавий сув насослари ўрнатилади.

O‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати

СУРХОНДАРЁ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ҳамда O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Шоира Ражабова Қизириқ туманида йилнинг иккинчи мавсумида “Ташаббусли бюджет”да ғолиб бўлмаган маҳаллалар аҳолиси билан учрашиб, уларнинг таклифларини ўрганди. Янги турмуш, Гиламбоб, Истиқлол, Тинчлик, Янгиобод ва Зарбдор маҳаллаларидаги мавжуд ҳолат ва муаммоларни кўздан кечирди. Хусусан, Янги турмуш кўчаларига лотоклар ва тунги ёритиш чироқлари ўрнатиш, Гиламбобдаги 4-мактабда, Истиқлолдаги оилавий шифокорлик пунктида, Тинчликдаги 23-мактабда, Янгиободдаги оилавий шифокорлик пунктида иситиш тизими, Зарбдордаги кўчалар таъмирлашга муҳтожлигига амин бўлди.



Мазкур муаммолар ҳокимлик, туман кенгаши ва масъул ташкилотлар вакиллари билан муҳокама қилинди. Ўрганишлар якунида аниқланган муаммоларни босқичма-босқич бартараф этиш, таълим ва тиббиёт муассасаларидаги шароитларни яхшилаш, йўл ва ҳудуд инфратузилмасини ривожлантириш бўйича тегишли чоралар белгиланди.

O‘zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

СИРДАРЁ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Гавҳар Олимованинг Янгиер шаҳар техникуми талабалари билан учрашувида ёшларни замонавий касбларга ўқитиш, уларга амалий кўникма бериш ва бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Техникум давлат раҳбарининг 2025 йил 23 октябрдаги “Касбий таълим тизимида бошқарув самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони асосида қайта ташкил этилган бўлиб, таълим жараёни ишлаб чиқариш билан узвий боғланган. Бу ўқув масканида металга қайта ишлов бериш, мебель дизайнери, мода ва тикув ишлаб чиқариш технологияси йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. “Eco VOD” мебель заводи ва “Элегант” тикувчилик фабрикаси билан ҳамкорликда дуал таълим йўлга қўйилган. Талабалар назарий билимларини айни корхоналарда амалиётда мустаҳкамлаб бормоқда. Бу тизим ўғил-қизларнинг диплом олгунга қадар касбий тажриба тўплаши, меҳнат бозори талабларига мос мутахассис бўлиб шаклланишига хизмат қилмоқда. Хорижий тил ўрганишга ҳам эътибор қаратилган. Миграция агентлиги вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган немис тили курсларида таҳсил олган ёшлардан 17 нафари тил сертификатига эга бўлиб, Германияда қонуний меҳнат фаолиятини бошлаб юборишди.



– Дуал таълимнинг энг муҳим жиҳати – ўқишдан сўнг ишлаб, касбимиз сирларини ўрганаётганимиздадир, – дейди талаба Нигора Мўминова. – Бугунги учрашув жуда мазмунли ва натижали бўлди. Келажакда олган билим ва кўникмаларим билан юртимиз тараққиётига ҳисса қўшаман.

O‘zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши матбуот хизмати

ЖИЗЗАХ

Вилоят Экология ва иқлим ўзгариши бош бошқармаси бошлиғи, **O‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши раиси Эркин Холматов** раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ Зарбдор туманидаги Шодлик, Дўстлик, Наврўз, Янгиобод, Навоий, Равот, Лалмикор ва Янгиҳаёт маҳаллаларида аҳоли ва ёшлар билан очиқ мулоқот ўтказди. Унда давлатимиз раҳбарининг мустақиллик байрами муносабати билан халқимизга йўллаган табригида белгиланган устувор вазифалар, миллий дастурнинг мазмун-моҳияти етказилди. Тинчлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш ҳар бир фуқаронинг масъулияти экани таъкидланди.

– Бугунги тадбирда ҳаётий ва долзарб масалалар ҳақида фикр юритилди, – дейди Абдужаббор Товбоев. – Биз нуронийлар шукроналик туйғусини фарзандларимизга оила даврасида, тўй-томошаларда, турли суҳбатларда сингдириб боришимиз керак. Ёшларимиз бугунги имкониятларнинг қадрига етса, ҳаётимиз янада гўзал ва баракали бўлади. Бу фикр замирида оддий, муҳим ҳақиқат бор: тинчлик ва фаровонликни қадрлаш уни асрашдан бошланади.

Дарҳақиқат, “Инсон қадри учун” тамойили давлат сиёсати ва ислоҳотларнинг асосий йўналишига айланди. Қадр-қимматимизни камситувчи мажбурий меҳнатга барҳам берилди. Аҳоли билан очиқ мулоқот қилиш, мурожаатларни тинглаш, жойида ҳал этиш ва ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлашга қаратилган янги тизим шаклланди.



Бу ўзгаришлар Жиззах вилояти мисолида ҳам аниқ кўринади: ўн йил аввал 7,8 трлн сўмни ташкил этган ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг жорий йил якунига бориб 61,6 трлн сўмга етиши кутилмоқда. Бу қарийб 8 баробар ўсиш демакдир. Вилоятда камбағаллик даражаси 2017 йилдаги 35 фоиздан бугун 4 фоизга тушди. Инфратузилмани яхшилаш, йўллар, муҳандислик-коммуникация тармоқлари ва ижтимоий объектларни ривожлантириш учун қарийб 14 трлн сўм йўналтирилди. Таълимда ҳам қамров кенгайди. Мактабгача таълим 16 дан 79 фоизга, мактаб битирувчиларининг олий таълимга қамрови эса 7 дан 40 фоизга етди. 1 000 доллардан зиёд ойлик маош олаётган ўқитувчилар сони ҳам ортмоқда.

Тиббиётдаги хизматлар ҳажми ва сифати уч баробар ошди, илгари хорижда бажарилган мураккаб жарроҳлик амалиётларининг айрим турлари энди вилоятнинг ўзида амалга оширилмоқда. Аҳоли турмуш шароитига бевосита таъсир қиладиган инфратузилма лойиҳалари ҳам кенгайди. Вилоятда 2,5 минг км умумий фойдаланишдаги ва 2,4 минг км ички йўл асфальтланди. 2,7 минг км ичимлик суви тармоғи ва 395 та сув иншооти қурилди. Электр таъминотини яхшилаш учун 1,5 мингга яқин трансформатор ўрнатилди. 300 млрд сўм ҳисобидан 1 650 та кўп қаватли уйнинг фасад қисми базальт билан қопланди. Бу ишлар 170 мингдан ортиқ аҳолининг турмуш шароитига ижобий таъсир кўрсатди.

– Кечаги Жиззах билан бугунгисининг фарқи ҳар бир фуқаронинг турмуши, оиласи, фарзандларининг келажакка бўлган ишончида намоён бўлмоқда, – дейди Эркин Холматов. – Ютуқлар билан бир қаторда, олдимизда турган вазифаларни ҳам чуқур англашимиз лозим. Тинчлик ва осойишталикни асраш, халқимиз фаровонлигини янада ошириш, ёшлар учун муносиб имкониятлар яратиш, маҳаллаларни обод ва фаровон ҳудудларга айлантириш умумий мақсадимиздир.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири

НУҚТАИ НАЗАР

ИККИ ИМКОНИЯТ – БИР НУҚТАДА

БИРЛАШТИРИШ МУМКИН ЭМАСМИ?

Президентимиз раислигида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида Хоразм вилоятидаги ҳолат алоҳида таҳлил қилинди. Айниқса, бир-бирига боғлиқ икки рақам эътиборни тортмай қолмайди: бир томонда иш қидираётганлар, иккинчи томонда эса ишчига эҳтиёж сезаётган тадбиркорлар бор.

Вилоятдаги 19 минг оиланинг шароити ўрганилиб, 12 минг нафар ишсиз ва 10 минг нафар даромади паст аҳоли борлиги аниқланган. Айни пайтда тадбиркорларга қурилиш соҳасида 4 минг, хизматлар соҳасида 3 минг, саноатда эса 2,5 минг ишчи керак.

Шунда оддий, аммо долзарб савол туғилади: нега иш қидираётган одам билан ишчи излаётган тадбиркор бир-бирини тополмаяпти? Демак, масала фақат янги иш ўрни яратиш билан ҳал бўлмайди. Бозорга қайси касб эгалари керак бўлса, одамларни айнан шу касбларга ўқитиш, уларнинг малакасини иш берувчи талаби даражасига етказиш ва ўқишни иш жойи билан боғлаш зарур.

Бугун нафақат шаҳарларда, балки туман марказлари ва қишлоқларда ҳам кўп қаватли уйлар қад ростламоқда. Замонавий, зилзилага бардошли биноларни кимлар қураяпти? Афсуски, малакали пайвандчи, монтажчи ва бошқа мутахассислар етишмаслиги сабабли айрим тадбиркорлар қурилиш майдонига ҳунарсиз ишчиларни жалб қилишга мажбур бўлмоқда. Мардикор бозоридан ёлланган бундай ишчилар дастлаб, бир неча ой давомида малакали усталардан иш ўрганади. Табиийки, бу даврда уларнинг маоши ҳам паст бўлади. Кўпинча шогирдлик давридаги даромади йўлкирасига ҳам етмай, ёшлар бошқа иш қидиришга ўтиб кетади. Натижада тадбиркор малакали ишчи тополмайди, ишсиз ёш эса доимий даромад манбаига эга бўлмайди.

Вилоятдаги касбга ўқитиш марказларида таҳсил олган ёшларнинг бир қисми эса хорижга ишлаш учун кетмоқда. Сабаб сифатида, одатда, хориждаги юқори маош кўрсатилади. Масалан, пайвандчи чет элда ўртача минг доллар атрофида даромад олиши мумкин. Ўзбекистонда эса бу касб эгасига 10 миллион сўм атрофида маош таклиф этилади.

Бир қарашда фарқ катта. Аммо хорижга чиқиш учун ҳужжатларни расмийлаштириш, йўл ва бошқа харажатларни ҳисобга олсак, юртимизда ишлашнинг афзал жиҳатлари ҳам кам эмас. Энг муҳими, инсон оиласи бағрида қолади, ўз юртида меҳнат қилади ва қурилишига ҳисса қўшган иншоотларига эртага фахр билан қарайди.

Бунинг учун қурилиш компаниялари касбга ўқитиш марказлари билан ҳамкорликни тубдан кучайтириши керак. Ёшларни ўқиш давридаёқ амалиётга жалб қилиш, уларни тажрибали мутахассисларга бириктириш ва курсни тамомлаганидан сўнг доимий, муносиб маошли иш билан таъминлаш кафолатини бериш – масаланинг энг тўғри ечимларидан бири. Бундай ёндашув малакали кадрларнинг хорижга кетишини камайтиради, тадбиркорнинг ишчига бўлган эҳтиёжини қоплайди. Энг муҳими, номига яратилган эмас, доимий ва даромад келтирадиган иш ўрни пайдо бўлади.

Бу тажрибани хизматлар ва саноат соҳаларида ҳам кенг қўллаш мумкин. Масалан, Питнак шаҳридаги Хоразм автомобиль заводида бу усул амалда ўз самарасини кўрсатмоқда. Завод янги русумдаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни бошлашдан олдин тажрибали ишчиларга янги ишга кирган ёшларни бириктирди. Натижада қисқа муддатда малакали кадрлар шаклланди. Бугун заводда кадрлар қўнимсизлиги муаммоси йўқ, аксинча, ёшлар ишга кириш учун навбат кутмоқда.

Демак, иш берувчи билан иш изловчини бир нуқтада учраштириш мумкин. Бунинг учун ўқитиш маркази, корхона ва иш берувчи ўртасидаги алоқа қоғозда эмас, амалда ишлаши лозим. Йирик қурилиш компаниялари ҳам шу тажрибадан фойдаланиб, “бўш иш ўрнига малакали ишчи излаш” эмас, балки керакли кадрни олдиндан тайёрлаш тизимига ўтиши керак.

Давлат раҳбари иштирокидаги видеоселекторда кўтарилган яна бир масала – имтиёзли кредитларнинг самарадорлиги. Кейинги уч йилда маҳаллалардаги тадбиркорлик лойиҳалари учун 314 трлн сўм ажратилгани, аммо бир хил миқдорда маблағ олган ҳудудларда натижа турлича бўлаётгани таъкидланди. Бу, айниқса, Хоразм каби чекка ҳудудлар учун муҳим хулоса беради. Яъни кредитнинг ўзи оилани камбағалликдан чиқармайди. Натижа кредит олган инсоннинг ишини йўлга қўйиб, маҳсулоти ёки хизматига бозор топиши ва шу орқали оиласида барқарор даромад шаклланишида намоён бўлади.

Аммо айрим ёшлар имтиёзли кредитни бозорни ўрганмасдан, дуч келган соҳага йўналтирмоқда. Масалан, чекка маҳалладаги ишсиз йигит автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчаси очиш учун кредит олади. Ваҳоланки, маҳалла марказида шу хизматни кўрсатадиган ўнлаб шохобчалар бор. Рақобат, мижозлар сони ва бозор имконияти ҳисобга олинмайди. Оқибатда янги корхона рақобатга дош беролмайди, даромад кредитни қоплашга етмайди ва фаолият тўхтайди. Шунга ўхшаш ҳолат дўкон очишда ҳам учрайди. Зарур маҳсулот ишлаб чиқариш ёки аҳолига етишмаётган хизматни йўлга қўйиш ўрнига маблағ олди-сотдига сарфланади. Бозорда рақобат кучли бўлса, янги тадбиркорнинг иши юришмайди.

Шунинг учун камбағалликни баҳолашда асосий мезон “Қанча маблағ берилди?” эмас, аксинча, “Қанча оила барқарор даромадга эга бўлди?” деган савол бўлиши керак. Бунинг учун ишсиз фуқарони касбга ўқитишнинг ўзи ҳам етарли эмас. Унга қайси касб кераклигини бозор белгилаши, ўқитиш маркази шу талаб асосида кадр тайёрлаши, ишбилармон эса тайёр мутахассисни ишга олиши керак. Худди шунингдек, кредит беришдан олдин лойиҳанинг бозори, рақобати, маҳсулоти ва даромад келтириш имконияти чуқур ўрганилиши зарур. Шунда бандлик тизими, касбга ўқитиш марказлари, тижорат банклари ва тадбиркорлар ўртасидаги ҳамкорлик амалиётга кўчади. Бу эса иш ўрнини шунчаки кўпайтириш эмас, одамларни доимий иш ва барқарор даромад билан таъминлаш имконини беради.

Аслида, камбағалликни қисқартиришнинг энг ишончли йўли ҳам шу – инсонга фақат маблағ бериш эмас, уни даромад келтирадиган касб ва иш билан таъминлаш. Ана шунда вилоятдаги 81 минг нафар эҳтиёжманд аҳолининг муаммосини ҳал этиш бўйича кўрилаётган чоралар аниқ натижа бера бошлайди.

Қаҳрамон РАЖАБОВ,
журналист

ИМКОНИЯТ

ОРЗУЛАР МАҚСАДГА АЙЛАНАЁТГАН ЮРТДА ЯШАЯПМИЗ

Албатта, 35 йил тарих саҳифасида арзирли муддат эмаслиги аён, лекин бутун асрлар бўйи озодликни орзу қилган халқ учун унинг қадр-қиммати беқиёс. Шу маънода яқиндагина озод ва обод Ватанимизда нишонланган истиқлол байрами шукуҳи қалбимизни янада нурга тўлдирди. Истиқлол, энг аввало, халқимизга ўз тақдирини ўзи белгилаш, миллий қадриятларини тиклаш ва дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш имконини берди.



Акмал АЛЛАКУЛИЕВ,
Тошкент Кимё халқаро университети ректори

Ўтган ана шу тарихий давр мобайнида Янги Ўзбекистонни барпо этиш, инсон қадрини юксалтириш, илм-фан ва таълимни ривожлантириш, ёшларга кенг имкониятлар яратиш борасида улкан натижаларга эришилганини бутун дунё эътироф этмоқда.

Давлатимиз раҳбари мустақиллигимизнинг ўттиз беш йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида **“Олийгоҳларда ўқиш учун қулай шароитларни кенгайтирганимиз ҳисобига ҳозирги кунда талабалар сони 1 миллион 600 минг нафарга етди. Қувонарлиси, ёшларда билим олишга иштиёқ кучайди. Ота-оналар учун фарзандини олий маълумотли қилиш фақат орзу эмас, эришса бўладиган мақсадга айланди”,** деган умидбахш сўзлари таълим тизимида хизмат қилаётган ҳар бир устоз ва мураббийни, қолаверса, талабаларимизни янада руҳлантириб юборди. Айниқса, келгуси ўн йилликнинг миллий юксалиш даври бўлажаги ҳақидаги даъват замирида халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, мамлакат барқарорлиги, фаровонлик каби юксак марралар мужассам. Ушбу эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш учун белгиланган ўн йил ичида юртимизда инсон қадрини янада юксалтиришга хизмат қиладиган 7 та миллий дастур амалга оширилиши эълон қилинди.

Эътиборли жиҳати, **биринчи миллий дастур билим ва малакани келгуси тараққиётимизнинг асосий капиталига айлантиришга қаратилган бўлиб,** бу бевосита соҳа вакилларига улкан масъулият юклайди.

Бугун мамлакатимизда иқтисодиёт, саноат, илм-фан, маданият ва таълим соҳаларида кузатилаётган ижобий ўзгаришлар ана шу мустақил тараққиёт йўлининг амалий натижасидир. Президентимизнинг **“Биз таълим билан бир қаторда илм-фан, замонавий технология ва инновацияларни ҳам тараққиётимизнинг ҳал қилувчи омили деб биламиз”** деган сўзлари барча давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари ходимлари учун ҳам асосий таълим стратегияси сифатида қабул қилинмоғи керак. Сир эмас олий таълим қамрови бир неча баробар ошди, янги университетлар ташкил этилди, халқаро таълим дастурлари кенг жорий қилинди. Қайта-қайта таъкидлаганидек, *мамлакатнинг рақобатбардошлиги, аввало, билимли, замонавий фикрлайдиган ва юқори малакали кадрларга боғлиқ.* Шу боис таълим тизимида давлат ва нодавлат секторлари ўртасида соғлом рақобат муҳити шакллантирилди. Натижада талабалар учун танлов имкониятлари кенгайди, таълим сифатига талаб ортди.



Ўз навбатида нодавлат олий таълим муассасалари тизимнинг муҳим иштирокчисига айланди. Улар нафақат таълим хизматлари кўламини кенгайтирмоқда, балки инновацион ёндашувлар ва халқаро тажрибаларни жорий этиш орқали таълим сифатини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Ана шундай муассасалардан бири **Тошкент Кимё халқаро университети** бўлиб, бу даргоҳда таълим сифатини халқаро мезонлар асосида баҳолаш ва такомиллаштириш мақсадида QS Stars халқаро рейтинг тизими талаблари асосида комплекс дастурлар амалга оширилмоқда. Бу эса университетнинг халқаро майдондаги нуфузини мустаҳкамлаш ва таълим сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Эндиликда ҳар қандай таълим муассасаси фаолиятининг энг муҳим мезонларидан бири, бу битирувчиларнинг меҳнат бозоридаги муваффақияти ҳисобланади. Тошкент Кимё халқаро университети ҳам амалий кўникмаларга асосланган таълим моделини изчил ривожлантириб келмоқда. Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги томонидан ишга туширилган “Битирувчилар сифати индекси” платформасида эълон қилинган маълумотларга кўра, университетнинг **14 246** нафар битирувчисидан **11 700** нафари ёки **82,1** фоизи айни пайтда иш билан таъминланган. Битирувчиларнинг ўртача ишга жойлашиш муддати 2 ой 10 кунни ташкил этгани, ўртача ойлик даромади эса 5 миллион сўм экани қайд этилди. Бу кўрсаткичлар берилган билим ва кўникмаларнинг меҳнат бозори талаблари билан уйғунлашиб бораётганини намоён этади. Битирувчиларнинг иш билан таъминланиш кўрсаткичининг юқорилиги улар нафақат диплом соҳиби, балки давр талабига мос энг янги касбий компетенцияларга эгаликларидан далолат беради.

Халқаро ҳамкорлик соҳасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Университет дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилмоқда. Erasmus+, қўшма таълим дастурлари, академик алмашинув лойиҳалари, халқаро муҳандислик таълимига оид ташаббуслар талабалар ва профессор-ўқитувчилар учун кенг имкониятлар яратмоқда. 2+2, 1+1 ҳамда Triple Diploma каби дастурлар орқали талабалар бир вақтнинг ўзида бир нечта халқаро дипломларга эга бўлиш имконини қўлга киритмоқда.

Муҳими, замонавий университет фақат билим берувчи муассаса эмас, балки меҳнат бозори эҳтиёжларига жавоб берадиган кадрлар тайёрловчи марказга айланмоқда. Шу мақсадда иш берувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик кенгайиб, илм толибларининг амалиёт ўташи ва кейинчалик иш билан таъминланиши учун мустаҳкам механизмлар шакллантирилган.

Илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш, ёш олимларни рағбатлантириш, диссертация ҳимоялари учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳам эътиборда. Университетимиз ҳузурида ташкил этилган илмий кенгашлар ва илмий мактаблар ёш тадқиқотчилар салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Сунъий интеллект, маълумотлар таҳлили, рақамли технологиялар ва инновацион бошқарувга йўналтирилган янги йўналишлар ташкил этилди.

Иқтидорли талабаларнинг халқаро олимпиадалар, танловлар ва илмий конференцияларидаги иштирокини қўллаб-қувватлаш тизими ҳам кенг йўлга қўйилган. Ёшларнинг университет бошқарувидаги иштирокини таъминлаш мақсадида Талабалар парламенти ташкил этилди. Улар учун “Ректорга мурожаат” платформаси ва махсус телеграм-бот йўлга қўйилди. Бу имконият йигит-қизларнинг фикр ва таклифларини эшитиш, уларни ўйлантираётган муаммоларга ўз вақтида ечим топиш ҳамда очиқ мулоқот маданиятини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида турли тўгарак, клуб ва ижодий жамоалар фаолият юритмоқда. Бу эса ўғил-қизларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантирмоқда, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва салбий ҳолатларнинг олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Янги Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим кафолати таълим ва илм-фанга бўлган эътибор билан белгиланади. Чунки билимли, заковатли, интилувчан авлодгина мамлакатнинг иқтисодий қудратини оширади, инновацияларни яратади ва жамиятни янги босқичга олиб чиқади. Ана шу жараёнда нодавлат олий таълим муассасалари ҳам улкан масъулиятни зиммасига олгани ҳолда замон талабига ҳамоҳанг равишда рақобатбардош кадрлар тайёрлаши, илмий тадқиқотларни ривожлантириши ва халқаро стандартларни жорий этишда ортда қолмаслиги лозим. Энг муҳими, ҳар бир таълим даргоҳи жамият учун ҳақиқий қиймат ярата оладиган таълим масканига айланиши керак.

Мустақиллик бизга катта имкониятлар эшигини очиб берди. Энди бу имкониятларни билим, меҳнат ва ташаббус билан янги ютуқларга айлантириш, Янги Ўзбекистон тараққиётига мос равишда ривожланиш ҳар биримиздан фидойилик, масъулият, шижоат талаб қилади. Келажакка ишонч, илмга интилиш ва Ватан равнақига хизмат қилиш ҳар биримиз учун шарафли ва муқаддас вазифага айланмоғи керак.

ИСЛОҲОТ

ҒЎЗАПОЯ — ЧИҚИНДИ ЭМАС, БОЙЛИК

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида чекланган ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва иқлим ўзгариши шароитида барқарор ҳосил етиштириш тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Бу вазифани фақат янги техника ёки замонавий суғориш тизими билан ҳал этиб бўлмайди.

Сувни тежаш – уни далага кам бериш эмас. Сувни ерга етказиш, тупроқда ушлаб қолиш ва ўсимлик эҳтиёжига самарали йўналтириш ҳам самарадорликдир. Далага берилган оби ҳаётнинг қанча қисми илдиз зонасида сақланиб, ҳосилга айланади? Гап мана шунда.

Расмий маълумотларга кўра, 2025 йилда Ўзбекистонда сув тежовчи технологиялар 2,6 млн гектарда жорий этилган ва томчилатиб, ёмғирлатиб, дискрет суғориш ҳамда лазерли текислаш ҳисобига 2 млрд куб метр сув тежалган.

Хўш, суғориш орқали берилган намликни тупроқда қандай узоқ ва самарали сақлаш мумкин? Бунинг учун маҳаллий хомашё ҳам бор: ғўзапоя ва бошқа қишлоқ хўжалиги қолдиқлари!

2024 йилда мамлакатда пахта майдони 977,8 минг гектарни ташкил этган. Демак, далаларда ҳосил бўладиган биомассага фақат чиқинди сифатида эмас, қайта ишланиши мумкин бўлган ресурс сифатида қараш вақти келди. Бунинг учун ғўзапояни кислородсиз муҳитда юқори ҳароратда (пиролиз усулида) углеродга бой, ғовак материалга айлантириш мумкин. Бу материал биочар, биокўмир деб аталади.

Жараён аслида оддий ва мантиқий занжирдан иборат: даладаги ғўзапоя пиролиз орқали биочарга айланади, биочар эса тупроққа қайтарилиб, яна ҳосил етиштиришга хизмат қилади. Бунда гап фақат чиқиндини камайтириш ҳақида эмас. Қишлоқ хўжалиги қолдиғига иқтисодий қиймат бериш, маҳаллий қайта ишлашни ривожлантириш ва ресурсни иқтисодий айланмага қайтариш имконияти пайдо бўлади.

Бироқ ғўзапоянинг ҳаммасини далага олиб чиқиш ҳам тўғри бўлмайди. Чунки, ўсимлик қолдиқларининг бир қисми тупроқда органик модда ва озуқа элементларини сақлаш учун ҳам зарур. Хўш, шундай экан. Қанча қолдиқни далада қолдириш керак? Поянинг қанча қисмини қайта ишлаш агрономик ва иқтисодий жиҳатдан тўғри бўлади?

Биочарнинг ғовак тузилиши айрим тупроқларда намликни сақлаш, озуқа элементларини ушлаб қолиш, тупроқ структураси ва органик углерод захирасига таъсир кўрсатади.

Илмий натижалар ҳам қизиқ. 2024 йилдаги глобал дала тажрибалари синтезида биочар қўллаш ўртача ҳисобда экин ҳосилини 11,2 фоизга, сув маҳсулдорлигини эса 14,8 фоизга оширган. 2023 йилги таҳлилда эса 63 та тадқиқот ва 381 та маълумот тўплами асосида ҳосилдорлик 14,45 фоиз, сувдан фойдаланиш самарадорлиги 14,28 фоиз ва азотдан фойдаланиш самарадорлиги 13,97 фоизга ошгани қайд этилган.

Аммо бу рақамларни Ўзбекистоннинг барча далаларига бирдек татбиқ этиб бўлмайди. Биочарнинг таъсири тупроқ, иқлим, хомашё ва қўллаш меъёрига боғлиқ.

Шунинг учун саволни “Бизга биочар керакми?” деб эмас, балки “Қайси тупроққа қайси биочарни, қанча миқдорда ва қандай агротехника билан қўллаш зарур?” деб берсак тўғрироқ бўлади.

Ўзбекистонда томчилатиб, ёмғирлатиб ва дискрет суғоришни кенгайтириш муҳим. Лекин сув самарадорлигини фақат уни далага етказиш усули билан баҳолаш етарли эмас.

Масаланинг моҳияти – берилган ҳар бир куб метр сувнинг қанча қисми илдиз зонасида сақланиб, ўсимлик томонидан ўзлаштирилаётганида. Глобал тадқиқотлар биочар айрим тупроқларда тупроқнинг гидрологик хусусиятлари ва сувдан фойдаланиш самарадорлигини яхшилаши мумкинлигини кўрсатади. Бироқ натижа ҳамма шароитда бир хил эмас, айрим ҳолларда салбий таъсир ҳам кузатилиши мумкин. Шу боис бу жараёнда тупроқнинг pH кўрсаткичи, биочар хомашёси ва қўллаш меъёрини ҳисобга олиш зарур. Демак, истиқболли ёндашув бир технологияни иккинчисига қарши қўйишда эмас, балки уларни ўзаро уйғунлаштиришда. Яъни томчилатиб суғориш, намликни сақлаш, мос биочар ва тўғри агротехника биргаликда қўлланганда самарадорликка эришиш мумкин.



Биочар минерал ўғитнинг ўрнини ҳам босмайди. Унинг асосий қиймати тупроқ муҳити, углерод захираси, сув ва озуқа элементларининг ҳаракатига таъсир кўрсатиш имкониятида кўринади. Шунинг учун биочарни органик ва минерал ўғитлар ҳамда сув тежовчи технологиялар билан биргаликда синаш мақсадга мувофиқ.

Ҳар қандай инновациянинг ҳақиқий баҳоси лабораторияда эмас, далада ва иқтисодий натижада кўринади. Фермер учун эса саволлар аниқ: бир гектарга қанча биочар керак, у қанча туради, сув сарфи ва ҳосилдорликка қандай таъсир қилади, сарфланган маблағ қачон қопланади ва ҳ.к.

Шунинг учун ҳар бир ҳудуд бўйича хомашёни йиғиш ва ташишдан тортиб, қайта ишлаш, энергия, меҳнат ва далага қўллаш харажатларигача бўлган иқтисодий ҳисоб-китоб зарур. Бу ҳисобда қўшимча ҳосил ва тежалган ресурслар қиймати ҳам инобатга олинади.

Ўзбекистонда биочарни бирданига кенг жорий этишдан аввал “Биочар – соғлом тупроқ” миллий илмий-амалий пилот дастурини йўлга қўйиш жоиз. Турли тупроқ ва агроиқлим шароитларида, айниқса, пахтачилик ҳудудларида маҳаллий биомассадан олинган биочарнинг турли меъёрлари ва суғориш усуллари синовдан ўтказилади.

Тажрибаларда назорат майдонлари бўлиши ва натижалар бир неча мавсум давомида кузатилиши керак. Бунда тупроқ намлиги ва ҳолати, ҳосилдорлик, сув сарфи, маҳсулот сифати, харажат, даромад, углерод баланси ва экологик хавфсизлик баҳоланади. Натижалар очиқ маълумотлар базасига киритилса, кейинги қарорлар реклама ёки тахминга эмас, миллий дала тажрибаларига таянади.

Биочарни кенг жорий этишдан олдин тўрт масалага эътибор қаратиш зарур: илмий далил базасини яратиш, миллий сифат ва хавфсизлик стандартларини белгилаш, ҳудудий иқтисодий моделларни ишлаб чиқиш ва фақат самараси тасдиқланган технологияларни рағбатлантириш.

Катта ўзгариш ҳар доим ҳам улкан заводдан бошланмайди. Баъзан унинг энг тўғри бошланиши – бир гектар дала. Бир майдонда биочар қўлланади, иккинчисида эса назорат сақланади. Бир неча мавсум давомида сув – тупроқ – ўсимлик – ҳосил – харажат – даромад занжири бўйича натижалар таққосланади. Самара берса – кенгайтирилади, самара паст бўлса – технология такомиллаштирилади, экологик хавф аниқланса – қўллаш чекланади.

Тупроқ биздан қарз эмас, мерос. Дала четида ётган ғўзапояси шунчаки чиқинди эмас, маҳаллий хомашё бўлиши мумкин. Ундан олинган биочар тўғри технологияда, мос тупроққа ва мақбул меъёрда қўлланилса, тупроқ саломатлиги, сув самарадорлиги ва углеродни сақлашга хизмат қилади.

Умидбек ҒОЙИБНАЗАРОВ,
Фермерларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси мутахассиси

21 ОКТЯБРЬ – ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ

ОНА ТИЛИМ, СЕН БОРСАН, ШАКСИЗ...

1989 йилнинг 21 октябридан бери мамлакатимизда “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинган сана нишонланади. Зеро, тил билан боғлиқ бўлмаган соҳанинг ўзи йўқ. Она тили нафақат мулоқот воситаси, балки расмий муносабатларни тартибга солишдаги фаол механизм ҳисобланади. Мазкур қонун қабул қилинган дастлабки йилларда ўзбек тилига муносабат қандай эканлигини катта авлод вакиллари яхши эслайди. Барча давлат идораларида хат-ҳужжатлар асосан рус тилида юритилар эди. Тўғри, йиллар ўтиб, мамлакатимизда она тилининг давлат тили сифатидаги нуфузини ошириш бўйича қадамма-қадам изчил ва мураккаб жараён бошдан кечирилди. Сўнгги ўн йилдаги ислоҳотлар аввалгиларининг давомидек туюлса ҳам, ўзбек тилининг расмий, илмий, оммавий доирадаги роли тамоман янги босқичга чиқа бошлади. Ана шу ислоҳотлардан энг йириги ва аҳамиятга молиги – барча вазирлик, агентлик, қўмита, маҳаллий ҳокимият органларида маънавият ва давлат тили масалалари бўйича раҳбар маслаҳатчиси лавозимининг жорий этилганидир. Президентимизнинг 2025 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 1 январидан бошлаб айни лавозимга кадрлар танланди ва тайинланди. Хўш, бу вазифада фаолият кўрсатаётган мутахассислар ўзбек тилининг ролини ошириш учун нималар қилмоқда, уларни қандай муаммолар қийнаяпти?



Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА,
“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ бошқаруви раисининг маънавият ва давлат тили бўйича маслаҳатчиси:

– Темир йўл соҳаси нафақат транспорт тизими, балки турли ҳудудлар, давлатлар ва иқтисодий маконларни ўзаро боғлаб турувчи мураккаб техник-инфратузилмавий мажмуа ҳисобланади. Ўзбекистон темир йўллари тизими тарихан Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро темир йўллари билан узвий боғлангани сабабли, яқин йилларгача техник ҳужжат, қўлланма, стандарт, атама ва йўриқномалар рус тилида қўлланиларди. 2019 йилга қадар соҳада давлат тили жорий этилмагани оғриқли эди. Бу ҳолатни фақат тил сиёсати нуқтаи назаридан эмас, балки соҳанинг техник ва технологик хусусиятларидан келиб чиқиб баҳолаш зарур. Чунки темир йўл транспортида ҳар бир атама, кўрсатма, техник йўриқнома ёки хавфсизлик талаби аниқликни тақозо этади. Ҳужжатларнинг бир тилдан бошқасига шунчаки таржима қилиниши эмас, балки улардаги касбий ва техник мазмуннинг тўлиқ сақланиши, ягона терминологик ёндашувнинг шакллантирилиши талаб этилади. Бундан ташқари, тизимнинг халқаро транспорт коридоридаги ўрни, қўшни давлатлар маъмуриятлари билан ҳамкорлик, чегаралараро қатнов, халқаро техник талаб ва соҳавий ҳужжатларнинг ўзаро уйғунлиги давлат тилини жорий этишда жиддий қийинчилик туғдирди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 30 йиллиги арафасида, яъни 2019 йил 21 октябрда Президентимизнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилиниши билан соҳада ҳам тил ислоҳотлари янги босқичга чиқди. Аввало, объектлардаги кўргазмали ахборот воситалари ҳам навбати билан ягона тил сиёсати асосида тартибга келтирилди. Станция ва вокзаллардаги пешлавҳалар, ёзувлар, эвакуация жадваллари, хариталар, йўл чипталари, шиор ва баннерлар, реклама ва эълонларнинг давлат тилида, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси асосида тўғри ёзилиши таъминланди. Буни 700 дан ортиқ турли мазмундаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат тили талабларига мувофиқлаштирилгани ҳам кўрсатиб турибди. Бу оддий таржима жараёни эмас, балки катта тизимдаги ҳужжатларни ҳуқуқий, услубий ва терминологик жиҳатдан қайта кўриб чиқишни тақозо этган кенг қамровли ислоҳотдир.

Айниқса, соҳада бошқа тиллардан кириб келган ва амалиётда мустаҳкам ўрнашиб қолган кўплаб атамалар мавжуд эди. Уларни давлат тилида ифодалаш учун фақат сўзма-сўз таржима билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Атама, аввало, соҳанинг технологик жараёни, касбий мазмуни ва мутахассислар учун тушунарлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши зарур. Амалда қўлланилаётган бошқа тиллардаги атамалар хатловдан ўтказилиб, уларнинг ўзбек тилидаги муқобиллари шакллантирилди. Соҳа ходимлари учун Темир йўл соҳасига оид сўз ва атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғатининг чоп этилгани ҳам терминологик базани мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Давлат тилини жорий этишдаги яна бир қадам шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 17 октябрдаги тегишли қарорига мувофиқ, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тасарруфидаги жами 320 та вокзал, станция ва разъезд номларини давлат тили қоида ва меъёрларига мувофиқ, лотин ёзувига асосланган ўзбек имлосида ифодалаш вазифаси белгиланди. Бунга эришдик. Давлат тилини тўлиқ жорий этиш учун фақат маъмурий ва идоравий ҳужжатлар билан чекланиб бўлмайди. Сўнгги икки йилда юртимизга олиб келинган юқори тезликда ҳаракатланувчи “Afrosiyob” ва “Jaloliddin Manguberdi” электропоездлари, янги харид қилинган замонавий электровоз визуал ёзувлари, техник йўриқнома ва кўрсаткичларни давлат тилига муқобиллаштириш, уларни лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида ифодалаш жараёни ниҳоясига етказилди. Қилинаётган ишлар денгиздан томчи. Ҳали муаммоларимиз етарли. Тармоққа янги техника ва технологиялар жадал кириб келаётган бир шароитда локомотив, вагон, сигнализация ва алоқа тизими, электр таъминоти, автоматика, ҳаракат бошқаруви, хавфсизлиги ва логистика йўналишларида давлат тилидаги қўлланмага эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Шу боис давлат тилидаги дарслик, ўқув қўлланма, техник йўриқнома ва электрон таълим материалларини кўпайтириш лозим.



Озода БЕКМУРОДОВА,
Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ҳокимининг маънавият ва давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси:

– Миллатнинг сўнмас руҳи, виқори, фахр-ифтихори, ор-номуси ҳам унинг суюкли тилига бўлган севгиси, садоқати билан тирикдир! Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш бўйича туманимизда ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ҳокимлик қошида соҳа мутахассисларидан иборат жамоатчилик кенгаши тузилган. Жамоатчилик назорати, тарғибот гуруҳлари йўлга қўйилган жойда муаммоларни аниқлаш ва ечим топиш осонроқ кечади.

Масалан, Яшнобод туманида бошқа тилларда сўзлашувчи аҳоли нисбатан кўпроқ истиқомат қилади. Бу жой номлари, реклама ёзувлари, эълонларнинг ўзбек тилида эмас, балки хорижий тилларда ёзилиши учун сабаб бўлмоқда. Ёки рус тилидаги географик ва маданий мерос объектларига қонун ҳужжатларида талаб қилинганидек ўзбекча ном берилиши учун жиддий ҳаракат қилиняпти. Жумладан 2023 йилда 97 та, 2025 йилда 348 та кўча, тор кўча, берк кўча ва 10 га яқин мавзелар номланди ёки айримлари ўзгартирилди.

Таъкидлаш керакки, она тилимизнинг энг оғриқли нуқтаси, бу ташқи ёзув, лавҳа, эълон, реклама ва кўргазмали бошқа ахборот матнлари, ташқи реклама материаллари ҳолати билан боғлиқ. Ишчи гуруҳ томонидан уларнинг давлат тили ва “Реклама тўғрисида”ги қонун ҳужжатларига мувофиқ ёзилиши юзасидан ўрганиш ўтказилганида, баъзан нохуш манзараларга ҳам дуч келмоқдамиз. Тадбиркор корхонасининг пешлавҳасини она тилидан кўра, чет тилида ёзишни афзал кўради. Айримлари эса очиқдан-очиқ ишчи гуруҳи аъзолари эътирозларини қабул қилолмайди. Уларга пешлавҳани давлат тилида ёзиш бўйича огоҳлантириш хати берилса ҳам, қатъий қаршилик кўрсатади. Уларга ўз она тилига ҳурматсизлик билан қарагани учун жарима солиш вақти келмадими? Бундай дилхираликлар фақат Яшнободда эмас, балки пойтахтимизнинг бошқа туманларида ҳам кузатилмоқда. Қачонки, маҳаллий ҳокимият, тегишли вазирлик ёки бошқа давлат идоралари раҳбарлари ишчи гуруҳлар ташаббусини қўллаб-қувватласагина умумий ишимизда ижобий томонга ўнгланиш рўй бериши мумкин.



Шерали ТЕМИРОВ,
Самарқанд вилояти ҳокимининг маънавият ва давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчиси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD):

– Самарқанд вилояти ва шаҳри доирасида ўзбек тилига оид расмий муносабатларни тартибга солиш жараёни анча фаоллашгани сезилмоқда. Туман марказлари ҳолати ўрганиб чиқилмоқда. Ўтган йили бошқарма ташкилот, корхона, ҳокимият ва муассасаларда 267 маротаба рейд ўтказилди. Вилоят, туман (шаҳар) ҳокимларининг аппарат йиғилишларида давлат тилига зид ҳолатлар 56 марта танқидий муҳокама этилиб, 74 та бошқарма, ташкилот, идора раҳбарларига нисбатан таъсирчан чоралар кўрилди. Жумладан, Пахтачи, Нарпай тумани электр тармоқлари корхоналари, Самарқанд педагогика техникуми, Нуробод тумани тиббиёт бирлашмаси, Самарқанд тумани статистика бўлими, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси Самарқанд тумани бўлими, Жомбой тумани фавқулодда вазиятлар, ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари раҳбарлари қатъий огоҳлантирилди.

Яна бир муаммо: турли соҳа вакилларининг ёзма саводхонлик маданияти ҳам талаб даражасида эмас. Бунга китобхонликнинг пасайиб бораётгани сабаб бўлмоқда. Саводхонлик ҳаминқадар бўлса, тилга муносабатни яхшилаш қийин. 2025–2026 йиллар давомида 16 та туман (шаҳар)да мавжуд ташкилот, муассаса ва идораларнинг 5 300 га яқин ходими ўртасида “Умуммиллий диктант” лойиҳаси ўтказилиб, саводхон ходимлар эсдалик совғалари билан тақдирланди. Ўтган йилда Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари сессияларига “Туман (шаҳарлар) даги ташкилот ва корхоналарда, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонуни ва шу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси бажарилиши юзасидан маслаҳатчиларнинг ахбороти тўғрисида”ги масала киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шунингдек, вилоятимиздаги географик объектлар номланишида ҳам жиддий муаммолар учрайди. Ҳудуд бўйича 1 897 та аҳоли пункти, 1 577 та қабристон, 1 126 та маҳалла, 56 та зиёратгоҳ, 20 та истироҳат боғи, 1 та хиёбон мавжуд бўлиб, барчаси давлат реестрига киритилган. Қўшработ туманида 65 та сой номи, 42 та тоғ объекти, Пайариқ туманида 310 та кўча, Тойлоқ туманида 42 та муюлиш кўча тоифасини ўзгартириш зарурати мавжуд эди. Бундан ташқари, Булунғур туманида 3 та, Нарпай туманида 38 та, Тойлоқ туманида 1 942 та кўчани давлат реестридан чиқариш ва Нарпай туманида 340 та кўчани давлат реестрига киритиш бўйича Кадастр агентлигига хат юборилди. Бу муаммоларнинг барчаси босқичма-босқич ҳал қилинмоқда.

Лекин шуни афсус билан таъкидлаш керакки, маънавият ва давлат тили масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимида ишлаётган мутахассисларнинг барчаси ҳам ўз вазифасига сидқидилдан ёндашаётгани йўқ. Бунинг натижасида асосан миллатдошларимиз истиқомат қилаётган қишлоқ туманларида ҳам рус, инглиз тилидаги ёзувлар камаймаяпти. Энг муҳими, она тили тарғиботини кучайтиришга фақат маслаҳатчи эмас, балки кенг жамоатчилик ҳисса қўшса, бир ёқадан бош чиқарсаккина бу борада ўзгариш бўлади.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ҲАЁТ “ЎЙИНЛАРИ”

Китоб

...У эрталаб атай китоб дўконига кирди, қизи неча кундан буён харҳаша қилгани-қилган “Ўзбек халқ эртаклари”ни олиб беринг, деб.

Пештахтадан китобни олиб, нархига қаради: 85 минг сўм!..

– Заҳардан қиммат-ку, – қайрилди лаблари.

Қўлини чўнтагига бир сукди, бир чиқарди, китобни бир олар бўлди, бир олмас.

– Арзимаган битта китобга шунча пул тўлайманми? Шунга сағал қўшиб икки кило гўшт олсам, хотин бир ҳафта қозон қайнатади, – ўйлади у ва китобни жойига қўйиб, дўкондан секин чиқиб кетди.

Йўлдалигида ҳамкасби қўнғироқ қилди: уни туманга иш юзасидан келган курсдош дўсти йўқлатибди.

...Тушликни курсдошлар бирга қилишди. Шу куни у дўстининг димоғини чоғ қилиш учун 500 минг сўмнинг бошига сув қуйди...



“Суюнчи”

Туғруқхонада келинлари кўзи ёришини кутиб ўтирган икки онахонга олдинма-кейин набирали бўлганларини айтишди.

Онахонлардан бири шошиб қудасига “сим қоқди”:

– Қудажон, суюнчи беринг, қизингиз ўғил туғди...

– Вой, ўзим ўргилай сиздан. Икки хаёлим қизимда эди. Бунча яхши, дард тутганини ҳам билдирмабсиз. Елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Раҳмат, қудажон. Ёнида сиздай онаси бор – кўнглим тўқ...

Иккинчи онахон ҳам қудасига қўнғироқ қилди:

– Қудажон, суюнчи беринг, қизингиз ўғил туғди...

– Ўғил туғди?! Нега мен бехабарман? Нима учун менга айтмадингиз? Онаси ўлганми, етимчами у? Уни беэга, деб ўйладингизми? Мени ҳисобдан чиқариб қўйдингизми?.. Суюнчи керакмиди сизга? Ўзи ҳам онамни чақиринг демадими? Ҳали кўрайин уни... Кейин биламан нима дейишни!..



Лола ЎРОҚОВА

MUASSIS: **TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI**

O‘ZLIDEP AXXI ASR IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:

Актам ХАИТОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Сирожиддин САЙИИД, Дилшод ШОУМАРОВ, Равшан МАМУТОВ, Нодир ЖУМАЕВ, Гулшана ХУДОЁРОВА, Шуҳрат АСЛОНОВ, Абдулла АСЛОНОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта: xxi_asr@umail.uz, xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс).
Обуна ва реклама бўлими – 71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)да 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ. Буюртма рақами: Г – 945
Адади: 4 012
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:10

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

© “XXI asr”дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи: **Маъруфжон Раҳмонов**

ISSN 2181-497X

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
123456

Навбатчи муҳаррир: **Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА**